



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - dekabr

11a -son

Bog‘ot shaharchasi

Хоразм вилояти ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли қарорининг ижроси ҳақида”ги 484қ-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли ва бу юзасидан вилоят ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги 484қ-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш ҳамда туманда хом ашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, шу асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида

**Қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли ва бу юзасидан вилоят ҳокимининг 2020 йил 31 декабрдаги 484қ-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

## 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда - маҳаллий ҳокимликлар) билан биргаликда ишлаб чиқилган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури (кейинги ўринларда - Дастур) тасдиқланганлиги;

928,3 трлн сўм миқдоридagi марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар, жумладан 37,5 млрд АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2021-2023 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2021-2023 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогноз параметрлари 1,1а ва 1б-иловаларга;

226 та янги ишлаб чиқариш қуввати ва 34 мингдан зиёд иш ўрни яратилишини назарда тутувчи 2021 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш бўйича манзилли дастур 2-иловага;

2021 йилда инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастур, шунингдек, унинг чораклар кесимидаги ижросининг прогноз кўрсаткичлари 3 ва 3а-иловаларга;

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 4-иловага;

2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 5-иловага;

2021 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 6-иловага;

2021 йилда ишлаб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимлиги (У.Ёкубов), корхона ва ташкилотлар, туман тижорат банклари – лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда 2021 йил 10 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 3-иловасига киритилган ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича уларни амалга оширишнинг ойлар кесимидаги комплекс тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасига тақдим этиш.

Бунда, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов, туман ҳокимининг ўринбосари У.Ёқубов, корхона ва ташкилотлар, лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш комплекс тармоқ жадвалларининг бажарилишини ҳар ойда бир мартаба лойиҳалар кесимида муҳокама қилиш, юзага келаётган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш ва натижалари юзасидан ҳар ой якуни билан Ҳукумат комиссиясига ахборот киритиш учун вилоят ҳокимига маълумот киритиш.

4. Туман корхона ва ташкилотлари, туман тижорат банклари, лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 3-бандида назарда тутилган комплекс тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда 2021 йилнинг ҳар бир чораги учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов, туман ҳокимининг ўринбосари У.Ёқубов:

а) туман молия бўлими (Ж.Рўзметов) билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилиш, инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ва преференциялар самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф тайёрласин, инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритсин.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов, туман ҳокимининг ўринбосари У.Ёқубов, корхона ва ташкилотлари раҳбарлари билан биргаликда:

2021 йил 1 февралга қадар инвестиция лойиҳалари доирасида импорт қилинган технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиб, фойдаланилмаётган ва паст қувватда ишлатилаётган асбоб-ускуналар рўйхатини шакллантирсин;

2021 йил 1 апрелга қадар фойдаланилмаётган ва паст қувватда ишлатилаётган асбоб-ускуналарни тегишлича ишга тушириш ҳамда фойдаланиш самарадорлигини оширишда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича манзилли чоралар кўрсин;

2021 йил 10 апрелга қадар ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасига ахборот киритсин.

7. Қуйидагилар:

а) туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов ва туман ҳокимининг ўринбосари У.Ёқубов – Дастурнинг амалга оширилишини

мувофиқлаштириш, тасдиқланган прогноз параметрлари бажарилиши ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиш, лойиҳаларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш ва юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкор хал этиб боришга;

б) Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов ва туман ҳокимининг ўринбосарлари У.Ёқубов, А.Қуръязов, Р.Шарипов, Э.Худайбергандов – тегишли соҳаларда Дастурнинг ижросини, инвестицияларнинг ўз вақтида ва самарали ўзлаштирилишини, лойиҳалар натижадорлиги таъминланишини тизимли назорат қилишга;

в) корхона ва ташкилотлари раҳбарлари:

Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича маблағларни самарали ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда ишга туширишга;

8. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлим бошлиғи С.Қурбонов, туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи У.Ёқубов зиммасига юклансин.

**Боғот тумани ҳоқими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**